



ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДА ОИЛАВИЙ ҲАЁТ МАСАЛАЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ.

Мадгафурова Дилфуза Охуновна

Қўқон Давлат Педагогика Институтининг Бошланғич
таълим факультетининг Факультетлараро педагогика
ва психология кафедраси катта ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7310318>

ARTICLE INFO

Received: 27th October 2022

Accepted: 07th November 2022

Online: 10th November 2022

KEY WORDS

Оила, ўспирин, шахс,
тасаввур, ижтимоий
психологик омиллар,
психология, урф-одат.

Ҳозирги даврда ёшлар тарбияси ва улар хулқ атвори ижобий тарзда шакллантиришнинг долзарблигидан келиб чиқиб, биз битирув малакавий ишимиз асосига илк ўспиринлик тараққиёти даврида шахснинг шаклланишига сабаб бўлувчи ижтимоий психологик омиллар, психологик-педагогик шарт-шароитларни белгилаш ва оила ҳақидаги тасаввурлар, тушунчаларнинг бу борада психологик механизм сифатида ўрни борлиги ғоясини олдик.

Турли тараққиёт давларида инсон психологияси ва шахси ўзгариши қонунларидан келиб чиққан ҳолда, биз ўспиринлик даврини хулқ атвор категорияларни фаол равишда ўзлаштириш ва шу аснода хулқ атвор тасаввурлар шаклланиши учун энг сензитив-қулай даврдир. Зеро, айти шу даврда шахснинг ўзини ўраб турган муҳитдаги энг нодир хулқ атвор

ABSTRACT

Ҳозирги даврда ёшлар тарбияси ва улар хулқ атвори ижобий тарзда шакллантиришнинг долзарблигидан келиб чиқиб, биз мақоламиз асосига илк ўспиринлик тараққиёти даврида шахснинг шаклланишига сабаб бўлувчи ижтимоий психологик омиллар, психологик-педагогик шарт-шароитларни белгилаш ва оила ҳақидаги тасаввурлар, тушунчаларнинг бу борада психологик механизм сифатида ўрни борлиги ҳақида маълумотлар берилган.

қадриятларга нисбатан муносабатлари фаоллашади, уларни ўзлаштириш орқали, оила ҳақидаги тасаввурларини ва билимларини бойитиш, уни ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларида намоён этишга психологик жиҳатдан ҳозирлик кучаяди. Бундан ташқари, ушбу даврда ёшларнинг мулоқот доираси кенгайди, ўз-ўзини англаши, ўз-ўзини назорат қилиши, жамиятда ўз ўрнини топиш, ижтимоий мафкуравий масалаларга нисбатан қизиқишлари ортади, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришлар, маданият ва маънавият соҳасидаги барча ўзгаришларга муносабатлар тизими сайқаллашади. Бу ҳолатларнинг барчаси мазкур ёш даврини тадқиқотимиз объекти қилиб танлашга асос бўлади.

Шарқ мутафаккирлари бола тарбиясида ва камолотида оиланинг, оилавий тарбиянинг салоҳиятини асосий деб ҳисоблашган. Айниқса,



шахснинг ақлий ва ахлоқий шаклланишида оила, ота-она ва яқин кишиларнинг ибратли томонларига алоҳида эътибор беришган. Улар оиладаги урф-одатлар таъсирида шаклланиши мумкин бўлган сифатлар: ҳалоллик, поклик, мардлик, келишувчанлик, уятчанлик, сермулоҳазалилик, меҳрибонлик, ҳақгўйлик каби қатор фазилатларни барча сифатлардан юқори қўйганлар. Инсоний муносабатларда намоён бўладиган юксак фазилатлар, энг аввало, ота-онадан болага ўтиши ва уларнинг жамият тараққиётига ижобий таъсири каби қимматли фикрлар ва бу борадаги амалий кўрсатмалар Шарқ мутафаккирларининг фалсафий-етук, ижтимоий қарашларида ўз аксини топган.

Жамиятнинг турли даврларида фарзд тарбияси ва фарзандни оилавий ҳаётга тарбиялаш масаласи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, шарқ мутафаккирлари ва давлат арбоблари-Абу наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Амир Темур, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат ва бошқаларнинг оиладаги шахслараро муносабатлар ота-онанинг фарзанд тарбиясидаги вазифалари ва бурчи ҳақида ибратли маслаҳатлар ва ўғитлар баён қилинган.

Авваломбор Ислом дини, унинг асосий манбалари ҳисобланган Қуръони Карим ва ҳадисларда бўлажак иланинг вужудга келишига алоҳида эътибор берилган ҳамда фарзанднинг тарбиясидаги илк қадам унинг наслий пок бўлишига эътибор қарилган. Қуръони Каримнинг “Бақара”, “Нисо” сураларида оила, оилавий муносабатлар ва оилавий

тарбия масалаларига алоҳида урғу берилган.¹

Тошга ўйиб ёзиган ёдгорликлар ичида ўзининг таълим-табиявий ғоялари билан маънавий мерос қолдирганлардан бири-Қўрқит ота ўғит-насиҳатларидир.VIII-IX асрнинг машхур қозоқ куйчиси,муסיқашунос олимларидан бири Қўрқит ота ўғит-насиҳатлари, афоризмларининг тарбиявий аҳамияти катта. Қўрқит ота ота-онани ҳурмат қилиш,қадрлаш, оилавий муносабатлар, йигит билан қиз тарбияси, инсон характерининг турли сифатлари хусусида кейинги авлодга ибрат бўларли панд-насиҳатлар қолдирган. Масалан, **онадан ибрат олмаган қиз ёмон, отадан ўрнак олмаган ўғил ёмон** дейилган.

Мана шу иборадан кўриниб турибдики болалрнинг илк гендер тасаввурлари ота-онадан шаклланиши,шунинг учун ҳам ота-оналар оилада ўзларининг вазифа ва масъулиятларини тўғри англаб бажаришса,фарзандарнинг гендер тасаввурлари тўғри идрок қилинади.

Дунёга машхур олим, маърифатпарвар Абу Наср Фаробий инсон камолоти, бахти, таълим ва тарбияси, ахлоқи, динга муносабати ҳақидаги қарашларини машхур “Фозил одамлар шаҳри” ва “Бахт-саодатга эришув ҳақида” асарларида баён этганлар:- “Бахт саодатга эришув йўлида нимаики (билим,одоб-ахлоқ,касб-хунар) ёрдам берса, уни сақламоқ, мустаҳкамламоқ,

¹ Арапбаева Д.К,Арапбаева В.К;”Шарқ мутафаккирларининг оила ва тарбия ҳақидаги қарашлари”.- Замонавий таълим.2015 йил 7-сон,66-72 бетлар.



нимаики зарарли бўлса, уни фойдали нарсага айлантиришна ҳаракат қилмоқ зарур” лигини² келтириб ўтганлар.

Шарқ мутафаккирлардан яна бир буюк олим- Абу Райҳон Беруний ўз қарашларида, айниқса хотин-қизлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратади. Ўзининг машҳур “Менерология” асарида қизларга ота-онанинг насиҳатларини келтириб, оиладаги тинчлик-тотувлик, бахтиёрлик кўпроқ аёллар зиммасига тушишини айтиб ўтади. Беруний ўзининг фикрларида оила тинчлиги бевосита ақлли, фаросатли, тарбияли аёллар қўлида эканлигига алоҳида урғу берган.³ Демакки, шундай сифатларга эга она қўлида тарбияланган ўғил ва қизларнинг келгусида оилада ўз ўринларни англаб боришлари самаралироқ бўлади.

Бутун дунёга ўзининг “Тиб қонунлари” асари билан машҳур бўлагн мутафаккирларимиздан яна бири-Абу Али ибн Синодир. Ибн Синонинг “Тадбири манзил” асаридаги “Афсофий беҳтарин занҳо” бўлимида аёлларнинг яхши хулқли бўлиши ҳақида фикр билдиради. Аёлларнинг кўпгина хусусиятларига урғу берган, шулардан айримларини келтириб ўтамиз. Билимли бўлиш, туғиш ва бола тарбияси ҳақида ўйлаш, уй вазифасини ва бурчини яхши билиш.⁴ Бу

² Абу Наср Фаробий; “Фозил одамлар шахри” .- Тошкент.Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1993 йил.-224-бет

³ Абу Райҳон Беруний; “Минерология” .- М., 1963 йил. - С.256.

⁴ Раҳимов С; “Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида”.-Т.:“Ўқитувчи”,1967 йил.-99-б.

хусусиятлардан кўриниб турибдики, бола тарбиясида аёлнинг ўрни беқиёс, ўғил бола ва қиз болага уй вазифаларини ўргатиб бориш ҳам онадан бошланишига эътибор қаратишимиз лозим. Ибн Сино - болада ахлоқий хусусиятларни меҳнат, жисмоний, ақлий тарбия билан узвий бирликда шакллантириш зарурлигини айтиб ўтган.

Юсуф хос Ҳожибнинг машҳур “Қутадғу билиг” асарида ҳам инсон шахсига хос сифат ва фазилатларнинг оилавий ҳаётнибошқаришдаги роли,ўрни ва аҳамияти,фаровон турмуш кечиришнинг муҳим шартлари ҳақида қимматли фикрлар келтирилади. Юсуф Хос Ҳожиб - фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи шарт. Шундагина уларнинг ноўрин хатти – ҳаракатларига берилишининг олди олинади⁵ деб таъкидлаган.

Буюк саркарда Амир Темур фарзанднинг тарбиясига жуда катта эътибор берганлигини фарзандлари,набиралари,яқинларини оила қуриш масалаларига давлат юмушларидек жиддий эътибор берганлигидан билиб олишимиз мумкин.

Жумладан,ХІХ асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этганшарқ мутафаккирларидан бири Аҳмад Дониш ўзининг “Наводир ул-вақоеъ” (Нодир воқеалар) номли асарида инсон муайян ёшга оила , оилавий бахт,эр-хотинлик,фарзандлик,ота-оналик бурчлари ҳақида тушунчага эга бўлишини ёзиб қодирган.

⁵ Юсуф хос Ҳожиб; “Қутадғу билиг”.-Т.:“Юлдузча” ,1990 йил,-192-б.



Фарзанд тарбияси барча замон ва даврларда ҳам долзарб масаллардан бўлиб келганлиги боис қўйида алломаларимизнинг фикрларини келтириб ўтамыз.

Мирзо Улуғбек - боланинг билим олишига бўлган қизиқиш, ҳавасини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўринни эгаллайди.

Алишер Навоий - боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради.

Воиз Ал - Кошифий - бола тўғри сўзли, ваъдага вафодор, яхши хулқли қилиб тарбияланиши керак.

Жалолiddин Давоний - бола тарбиясида ота ҳам, она ҳам тенг ҳуқуқли, тенг иштирок этиши керак.

Муслихиддин Сади Шерозий - оила, боланинг бахти, келажаги учун замин яратувчидир. Оилада асосий таянч отадир. У маъсулиятли тарбиячидир. Ота ўз болаларини тарбиялаши, ўқитиши, хунарга ўргатиши, жисмонан чиниқтириши керак.

Бердақ - оила муҳитида ота – оналар билан болалар ўртасида ўзаро ҳурмат бўлгандагина тарбия яхши натижаларга эришиши мумкинлигини айтади.

Бугунги кунда фарзанд тарбияси оталарнинг олдидаги вазифалари нималардан иборат бўлиши керак. Фарзандини шахс сифатида камол топишида ота ҳар бир ишни донолик ва хушёрлик билан амалга ошириши, сабрли бўлиши керак. Миллий қадриятларни унутмай оиласига, фарзандига меҳр-муҳаббат билан яшаши керак. Тарбия ота-онанинг изланиши ва меҳнатининг самараси. Фарзандларимиз биз кутгандек инсон бўлиши учун, аввало тарбияни

ўзимиздан бошлашимиз керак. Чунки ҳар бир боланинг жисмоний ва руҳий тараққиёти оиладан бошланиб, илк андоза ҳам ота ва онадан олинади. Оилада оталик ҳамда оналик вазифаларининг бажарилишини кузатиб улғаядиган фарзандларнинг гендер тасаввурлари ҳам оиладан бошланади.

Қашқадарё вилоятида ота-оналар ўртасида фарзанд тарбиясига оид ўтказилган сўровнома натижаларини келтиришимиз мумкин. Фарзандингиз тарбияси билан оилада ким шуғулланади деган саволга сўровнома да қатнашган респондентларнинг 75%дан ортиғи оилада фарзанд тарбияси билан **она** шуғулланишини, 17 % и **бувилар** шуғулланиши билдирган эди. Мана шу жавоблардан аниқланадиги, бугунги кунда ўғил болаларнинг тарбиясида ҳам аёлларни ўрни катталиги сезиларли даражада. Ўғил болаларнинг гендер тасаввурларини шакллантириш, кенгайтириш ва мустақкамлашда оталарнинг ролини кучайтириш кераклигини таъкидлашимиз мумкин.

Фарзанд тарбияси ҳали бола дунёга келмасданоқ бошланиши зарур. Фарзандларини билимли, оқил, меҳнатсевар қилиб тарбиялашни истаган ота энг аввало унинг учун инсофли, тарбияли, билимли, гўзал хулқли она танлаб олиши керак. Бу ҳаракат бола тарбиясига қўйилган илк қадамдир. Фарзандлар тарбияси ниҳоятда эрта бошланмоғи шарт. Оилада болани тарбиялаш ота – онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Фарзанд тарбияси доимо долзарб вазифа бўлиб қолган, биз буни буюк алломаларимиз фикрларини



ўрганиш жараёнида ҳам гувоҳ бўлдик. Буюк алломаларимизнинг фикрлари ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаса керак.

Ҳадислардан бирида: “Ота – она фарзандига гўзал одобдан кўра яхшироқ нарса бера олмайди”,- деб айтилган.

Ҳозирги даврда оила, оила-никоҳ муносабатлари, оиладаги психологик муҳит, таълим-тарбия ва унинг этнопсихологик хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Оила қуриш улкан воқеа. Бу нафакат миллий, балки умумбашарий қадрият. Улуғ

алломаларимиз оила қуриш, уйланишга даъват этганларида, ота-боболаримизнинг келин-куёв аждодларини суриштиришларида ҳам жисмонан, ҳам руҳан баркамол келин ёки куёв танлаш масаласига нақадар жиддий эътибор қаратилганини кўрамиз. Айниқса қизларнинг бу борада кўпроқ ва жиддийроқ «имтиҳон»га солинишлари замирида буюк хикмат бор. Янги оилавий жуфтликнинг ташкил топиши унинг аъзоларидан ўзларида никоҳгача мавжуд бўлмаган интегратив сифатларни шакллантиришларини тақозо этади.

References:

- 1.Арапбаева Д.К,Арапбаева В.К;”Шарқ мутафаккирларининг оила ва тарбия ҳақидаги қарашлари”.- Замонавий таълим.2015 йил 7-сон,66-72 бетлар.
- 2.Абу Наср Фаробий; ”Фозил одамлар шаҳри” .-Тошкент.Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти,1993 йил.-224-бет
- 3.Юсуф хос Ҳожиб; “Қутадғу билиг”.-Т.:”Юлдузча” ,1990 йил,-192-б.
- 4.Алмарданова, С. Б. (2020). Роль семейных отношений в формировании нравственно-психологических качеств личности. *European science*, (3 (52)), 115-117
- 5.Dilmurodovna, S. M. (2019). Psychological properties of tolerance. *Проблемы науки*, (6 (42)), 108-109.
- 6.Qizi, S. M. D. (2022). Socio-Psychological Views of Eastern Thinkers on Social Tolerance. *EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION*, 2(3), 219-220.
- 7.Sattorova, M. (2020). Social tolerance is period demand. *Scientific research results in pandemic conditions (COVID-19)*, 1(03), 150-152.
- 8.Sattorova, M. (2022). DIAGNOSTICS OF SOCIAL TOLERANCE OF STUDENTS. *Science and innovation*, 1(B5), 526-528.